

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастури ҳамда унинг ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Маълумот

Аҳолини қулай ва сифатли замонавий уй-жойлар билан таъминлаш борасида сўнги йилларда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар самараси ўлароқ ҳозирги кунда жойларда қатор кўзга кўринарли натижаларга эришилмоқда.

Бугунги кунда Нурота туманида ҳам янги тизим асосида уй-жойлар қуриш бўйича аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ҳозирги вақтда туман марказида барча коммуникация тармоқлари ва инфратузилмаларга эга бўлган умумий қиймати **34,2 млрд сўмдан** ортиқ замонавий 4 қаватли 7 та кўп қаватли уй-жойлар барпо этилиб босқичма босқич фойдаланишга топширилмоқда. *(2 хонали хонадонларнинг умумий майдони 64,5 кв.м, фойдаланиладиган майдони 53,58 кв.м, 3 хонали хонадонларнинг умумий майдони 79,5 кв.м фойдаланиладиган майдони 68,7 кв.мни ташкил этиб, фойдаланиладиган майдонининг 1 кв.м 4,2 млн.сўм)*

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2021 йил 9 декабрдаги ПФ 33-сонли фармони**га мувофиқ уй жой олиш мақсадида фуқароларга субсидия маблағларининг ажратилаётганлиги аҳолига янда кенг имкониятлар яратилишига замин яратмоқда.

Жумладан 2021 йилда туманда уй-жой харид қилиш учун **22 нафар** фуқароларга қарийб **500,0 млн.сўм** субсидиялар ажратиш бўйича ижобий хулосалар берилиб, **64 нафар** фуқароларга **14,5 млрд сўм**лик 20 йиллик ипотека кредит маблағлари ажратилиши таъминланди ва хоноданлар ўз эгаларига топширилди.

Бундан ташқари, 2022 йилда **45 нафар** фуқароларга махсус комиссия қарорига мувофиқ кўп қаватли уй-жойлар харид қилишлари учун **1 440,0 млн.сўм субсидия** маблағларини ажратиш бўйича хулосалар берилди. Шундан, 33 нафар фуқароларга уй-жой сотиб олиш учун бошланғич 32 млн.сўмдан жами 1056 млн.сўм субсидия маблағлари тўлаб берилди. Қолган 12 нафар фуқаролардан 2 таси ўз хоҳишига кўра аризасини рад этган бўлиб, 10 нафар фуқаролар уй-жой сотиб олиш жараёнида.

Бугунги кунда туманда белгилаб берилган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, “Янги Ўзбекистон” массиви қурилиши учун тумандаги “Мустақиллик” ва “А.Темур” маҳалла фуқаролар йиғинларининг бирлашган ҳудудидан жами **18,2 гектар** ер майдони танланди.

Бугунги кунда, “Янги Ўзбекистон” массивнинг бош режа таклиф лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига тақдим этилган.

Ишлаб чиқилган таклиф лойиҳага мувофиқ ҳудудда **98 та 5 қаватли** жами **1960 та** хонадонли турар-жой бинолари, **1 та 660 ўринли** умумий ўрта таълим мактаби, **1 та 180 ўринли** мактабгача таълим ташкилоти,

1 та маҳалла гузари, **1 та** маданият маркази, спорт майдончалари, **100 ўринли** тикув трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ҳамда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноларини барпо этилиши кўзда тутилган.

Шу жумладан, ушбу массивда жорий 2022 йилда **2 та** кўп қаватли уй жойларни қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилаётган бўлса, 2025 йилга қадар **28 та** кўп қаватли уй жойлар барпо этилиши таъминланади.

Бундан ташқари, массивда **8 км** газ тармоғи, **11 км** электр энергияси тармоғи ва **2 дона** трансформатор, **13 км** алоқа тармоқлари, **14 км** ичимлик суви тармоғи, **3 та** ер ости тик қудуғи ва **3 та** сув минораси, **7 км** оқова сув тармоғи ҳамда **6 км** йўл инфратузилма объектлари қурилиши белгиланган.